


2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Республиkaning асосий капиталини кўпайтиришга 8 167,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 80,4 % ни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 3 759,8 млрд. сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**


	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	умумий ҳажмга нисбатан % да
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>8167,4</b>	<b>80,4</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>3595,3</b>	<b>98,3</b>	<b>44,0</b>
бюджет маблағлари	891,7	57,4	10,9
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси	73,0	104,6	0,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	86,6	14,9	1,1
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	2544,0	174,6	31,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>4572,1</b>	<b>70,4</b>	<b>56,0</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1949,4	79,7	23,9
аҳоли маблағлари	832,2	80,4	10,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	1215,9	53,1	14,9
тижорат банк кредитлари	564,6	80,3	6,9
бошқа қарз маблағлари	10,0	52,8	0,1

### Асосий капиталга киритилган инвестициялар



**Марказлашган  
молиялаштириш манбалари  
хисобидан инвестициялар,  
таркиби % да**

**Ўтган йилнинг мос даврига  
нисбатан,  
% да**



**Марказлашмаган  
молиялаштириш манбалари  
хисобидан инвестициялар,  
таркиби % да**

**Ўтган йилнинг мос  
даврига нисбатан,  
% да**



**2020 йилнинг январь-декабрида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	жами	давлат	нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>8167,4</b>	<b>1806,3</b>	<b>6361,1</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фойз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	5730,8	1627,4	4103,4
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	2093,2	150,6	1942,6
Бошқа ҳаражатлар	343,4	28,3	315,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши ўтган йилга нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 7,9 % ли пунктга ошганлиги, машина, ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 5,9 % ли пунктга камайганини ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 2,0 % ли пунктга камайганлигини кўрсатмоқда.

### Молиялаштириш манбалари бўйича қурилиш ишлари, млрд. сўм



2020 йил январь-декабрь ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 3595,3 млрд. сўмлик инвестиция маблағлари киритилиб, бу қўрсаткич жами инвестицияларнинг 44,0 % ни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 98,3 % ни ташкил этган. Ҳисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4572,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди (жамига нисбатан улуши 56,0 %) ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 70,4 % ни ташкил этди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 1949,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестицияларнинг 23,9 % ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 832,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 10,2 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 2544,0 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса ўтган га нисбатан 74,6 % га купайган ёки жами инвестицияларнинг улуши 31,1 % ни ташкил этган.


Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 574,6 млрд. сўмлик маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 7,0 %), бу ўсиш суръати 20,5 % ни ташкил этди, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 1215,9 млрд. сўм (улуши 14,9 %) ва ўтган йилга нисбатан 53,1 % га камайган, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 86,6 млрд. сўм (улуши 1,1%) ва ўтган йилга нисбатан 14,9 % га камайган, Республика бюджети 891,7 млрд. сўм (улуши 10,9 %) ўсиш суръати 57,4 % га камайган. Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 73,0 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестиацияларнинг улуши 0,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,6 % ли пунктга купайган.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар**


Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми кишлөқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолият турига 1576,2 (19,3 %) млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга 3082,1 (37,7 %) млрд.сўм, шундан табий газни казиб олишга 3014,6 млрд, сўм (36,9 %), яъни қайта ишлаш саноатига 556,9 млрд.сўм (6,8 %), шундан бошқа нометалл минерал махсулотларини ишлаб чиқаришга 141,9 млрд.сўм (1,7 %), озиқ-овқат махсулотлари ва ичимлик ишлаб чиқаришга 91,9 млрд.сўм (1,1 %), текстил махсулотларини ишлаб чиқаришга 97,0 млрд.сўм (4,1 %), электр энергияси ва газ таъминотига 594,7 млрд.сўм (7,3 % ), сув таъминоти канализация ва чиқиндиларни утилизация қилишга 181,1 млрд. сўм (2,2 %), қурилишта 133,1 млрд.сўм (1,6 %), ташиш ва сақлашга 251,8 (3,1 %) млрд. сўм, улгуржи ва чакана савдога 94,4 млрд. сўм (1,2 %), ахборот ва алоқа 67,4 млрд. сўм (0,8 %), профессионал илмий ва техник хизмат турларига 13,5 млрд. сўм (0,2 %), таълимга 302,2 млрд. сўм (3,7 %), давлат бошқаруви ва мудофага 183,8 млрд. сўм (2,2 %), яшаш ва овқатланиш хизмати турларига 32,9 млрд. сўм (0,4 %), молия ва суғурта фаолиятига 22,9 млрд. сўм (0,3 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар курсатишга 152,3 млрд. сўм (1,9 %), санъат кўнгил очиш ва дам олишга 60,0 млрд. сўм (0,7 %), турар-жой қурилишига 816,8 млрд.сўм (10,0 % ) ва бошқа фаолият турларига 45,2 млрд. сўм (4,2 %) тўғри келди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга  
киритилган инвестициялар ва кредитлар  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**

■ 2019 йил ■ 2020 йил январь-декабрь



**2020 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**



**Молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар,  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**



Жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 23,9 % корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилди, шу билан бирга, Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 14,9 %, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида хорижий кредитлар ажратилди, бу эса жами инвестицияларнинг 31,1 % ни ташкил этади.

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Киритилган инвестициялар, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуши, %</i>
<b>Барча молиялаштириш манбалари хисобидан</b>	<b>8167,4</b>	<b>80,4</b>	<b>100,0</b>
Республика бюджети	891,7	57,4	10,9
Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси	73,0	104,6	0,9
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	86,6	14,9	1,1
Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари	2544,0	174,6	31,1
Корхоналар маблағлари	1949,4	79,7	23,9
Тижорат банклари кредитлари	564,6	80,3	6,9
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	1215,9	53,1	14,9
Аҳоли маблағлари	832,2	80,4	10,2
Бошқа қарз маблағлари	10,0	52,8	0,1

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юқори ўсиш суръатлари кафолатланган чет эл кредитлари 2544,0 млрд. сум бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 174,6 % ни ташкил этган.

**Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга киритилган  
инвестициялар, млрд. сўм**

	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>	<b>ўтган йилнинг мос даврига ўсиши суръати, % да</b>	<b>жами инвестициялардан тўгридан-тўгри хорижий инвестициялар ҳажсми, минг АҚШ долл.</b>
<b>Қарақалпогистон Республикаси</b>	<b>8750,6</b>	<b>8167,4</b>	<b>80,4</b>	<b>19973,7</b>
Нукус ш.	1620,7	1156,3	61,4	4224,6
<b>туманлар:</b>				
Амударё	210,8	294,4	120,8	550,0
Беруний	249,2	355,7	123,9	-
Бўзатов	29,9	97,2	2,8 м.	-
Қонликўл	358,4	149,5	36,0	374,0
Қораўзак	208,0	183,2	75,7	242,3
Кегайли	111,4	135,8	104,8	1277,6
Қўнғирот	839,2	988,6	101,5	9499,9
Мўйиноқ	1567,2	2346,0	128,9	816,8
Нукус	193,9	182,8	81,5	832,0
Тахиатош	1517,1	586,2	33,3	109,0
Тахтакўпир	44,2	107,8	2,1 м.	-
Тўрткўл	701,9	692,8	85,3	20,0
Хўжайли	278,0	178,8	55,4	-
Чимбой	167,3	215,3	110,9	1702,5
Шуманай	229,3	117,7	44,1	325,0
Элликқалъа	407,5	379,3	80,2	-

**Ахоли жон бошига киритилган инвестициялар**

(2020 йил январь-декабрь ойларида)

	<i>Ахоли жон бошига инвестициялар ҳажми, минг сүмда</i>	<i>Үсии суръати, % да</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>4273,7</b>	<b>79,3</b>
Нұкус ш.	3593,4	60,5
<i>туманлар:</i>		
Амударё	1470,3	119,0
Беруний	1843,7	121,7
Бўзатов	4499,9	2,8 м.
Қонликўл	2914,3	35,5
Қораўзак	3457,7	75,1
Кегейли	1865,2	104,0
Қўнғирот	7557,9	100,1
Мўйноқ	73084,7	126,5
Нұкус	3605,8	79,9
Тахиатош	7889,6	32,8
Таҳтакўпир	2675,0	2,1 м.
Тўрткўл	3207,4	83,8
Хўжайли	1447,4	54,7
Чимбой	1906,9	109,9
Шуманай	2087,2	43,8
Элликқалъа	2363,4	78,7

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ахоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Мўйноқ тумани 73 084,7 минг сўм, бу ерда табиий газни казиб олишга ўзлаштирилган, Тахиатош тумани 7 889,6 минг сўм, бу ерда Тахиатош ТЭС да йирик инвестиция лойиҳаси билан боғлиқ, Қўнғирот тумани 7 557,9 минг сўм, бу ерда тоғкон саноати ва қайта ишлаш саноати тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ.

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм**

	Асосий капиталга киритил- ган инвестициялар жами, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:				
		レスпублика бюджети	корхоналар маблағлари	ахоли маблағлари	хорижий инвестициялар ва кредитлар	Хукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари

<b>Қарақалпогистон Республикаси</b>	<b>8167,4</b>	<b>891,7</b>	<b>1949,9</b>	<b>832,2</b>	<b>1215,9</b>	<b>2544,0</b>
Нукус ш.	1156,3	271,6	461,1	77,1	133,8	17,4
<i>туманлар:</i>						
Амударё	294,4	16,5	36,2	75,5	52,1	19,9
Беруний	355,7	24,7	35,5	124,0	38,0	105,3
Бўзатов	97,2	17,5	40,1	4,7	31,7	-
Конликўл	149,5	21,9	54,9	41,3	10,6	0,3
Қораўзак	183,2	11,2	83,5	19,0	39,7	0,5
Кегейли	135,8	23,0	55,5	23,8	16,0	0,1
Қўнғирот	988,6	28,3	457,2	45,3	422,2	1,1
Мўйноқ	2346,0	205,5	215,7	44,6	135,1	1652,0
Нукус	182,8	24,4	43,9	51,7	39,2	0,6
Тахиатош	586,2	31,0	99,6	35,8	61,7	274,0
Тахтакўпир	107,8	22,1	45,3	18,5	18,5	-
Тўрткўл	692,8	80,6	57,1	116,4	39,3	372,9
Хўжайли	178,8	10,5	70,8	39,2	37,1	-
Чимбой	215,3	34,6	64,0	45,2	56,0	0,2
Шуманай	117,7	11,4	60,0	26,9	14,2	0,2
Элликқалъа	379,3	56,9	69,0	43,2	70,7	99,5

	<i>Асосий капиталга киритилган инвестициялар жасми, млрд. сұм</i>	<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бүйича:</i>		
		<i>Сүв таъминоти тизимларини ривожлантири иі жамғармаси</i>	<i>Тикшерилген таракқиёт жамғармаси</i>	<i>тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблаглары</i>
<b>Қарақалпоғистон Республикаси</b>	<b>8167,4</b>	<b>73,0</b>	<b>86,6</b>	<b>574,6</b>
Нұкс ш.	1156,3	0,2	12,9	182,2
<i>тұманлар:</i>				
Амударё	294,4	68,4	-	25,8
Беруний	355,7	1,0	-	27,2
Бўзатов	97,2	-	-	3,2
Қонликўл	149,5	-	-	20,5
Қораўзак	183,2	1,0	-	28,3
Кегейли	135,8	-	-	17,4
Кўнғирот	988,6	-	-	34,5
Мўйноқ	2346,0	-	-	93,1
Нұкус	182,8	-	-	23,0
Тахиатош	586,2	-	73,7	10,4
Тахтакўпир	107,8	-	-	3,4
Тўрткўл	692,8	1,1	-	25,4
Хўжайли	178,8	-	-	21,2
Чимбай	215,3	0,3	-	15,0
Шуманай	117,7	-	-	5,0
Элликқалъа	379,3	1,0	-	39,0

### **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 728,5 минг кв.м. бўлған 4223 та уй-жой қурилган (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 67,5 %) шу жумладан, қишлоқ жойларда 461,2 минг кв.м, 2586 уй-жой фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 45,5 минг кв.м уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 816,8 млрд. сўми ёки 34,6 % и турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Шунингдек 102,7 млрд.сўмлик инвестициялар шифохоналар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг янги қурилиши ва капитал реконструкция қилишга йўналтирилди, бу соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятига йўналтирилган инвестицияларнинг 67,4 % ни ташкил этди. Шундан 82,2 млрд. сўм янги қурилишларга, 20,5 млрд. сўм реконструкция қилишга сарфланган.

Тахтакўпир туманида 135 ўринли янги шифохона қурилиб битказилди, асосий фонdlар қиймати 2,9 млрд.сўмни ташкил қилди. Нукус шаҳрида 120 ўринли болалар кўптармоқли клиникаси ишга тушурилди, асосий фонdlар қиймати 12,6 млрд.сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида 100 ўринлик маҳсус шифохона ва вақтинчалик жами қиймати 68,6 млрд.сўмлик 1000 ўринга мўлжалланган карантин комплекси ишга тушурилган.


Нукус шаҳридаги 2 та олий ўкув юртларнинг обьектига 24,1 млрд.сўм ўзлаштирилди.

Таълим жараёнини сифатини келгусида ошириш мақсадида, умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблари қурилиши ва реконструкциясига 55,5 млрд.сўм ўзлаштирилди, ёки таълим соҳасига 18,4 % инвестиция жалб этилган.

Шундан 9,2 млрд. сўм янги қурилишларга, 46,3 млрд. сўм реконструкция қилишга сарфланди. Мўйноқ туманида таълим дастурини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 220 ўкув ўринли ихтисослаштирилган инновацион мактаби ишга туширилди. Чимбой туманида 216 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари республика бўйича реконструкциядан чиқкан 4140 та ўринга мўлжалланган 12 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди. Алоҳида эътибор мактабгача таълим муассасалари қурилиши ва реконструкция ишларига каратилмокда. Ҳисобот даврида 111,9 млрд. сўм инвестиция ўзлаштирилди. Шундан 6,7 млрд. сўм янги қурилишларга, 105,2 млрд. сўм реконструкция қилишга сарфланган. Янги қурилиш бўйича Нукус шаҳрида 120 ўринли 1 та муассаса, Мўйноқ туманида 160 ўринли 2 та муассаса, Тахтакўпир туманида 90 ўринли муассасалар топширилди. Бундан ташқари реконструкциядан кейин 4470 ўринли мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилиб, қиймати 105,2 млрд.сўм ўзлаштирилан.

Ҳисобот даврида 3 та мусиқа ва санъат мактаблари бино қурилишига 3,7 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан 2 та мактаб Нукус шаҳрида ва 1 таси Бўзатов туманида ишга туширилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2020 йил январь-декабрида 3785,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 101,5 % ни ташкил этди.






Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,1 % и бинолар ва иншоотларни қуришга, 15,2 % и фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилишга 15,7 % и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 61,9 % и янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг  
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**





**Корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм**



■ 2019 йил

■ 2020 йил январь-декабрь

Жами қурилиш ишларидан йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 7,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 3,5 % ли пунктга камайди. Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссаси 73,8 % ни (6,0 % ли пунктга кўпайган), норасмий секторнинг улуши 18,5 % (2,5 % ли пунктга камайган) ни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**



Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари ҳажми 2 341,7 млрд. сүмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 1 444,2 млрд. сүмни ташкил этди.



### Қурилиш ишлари турлари бўйича (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)




### 2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм

	2019 йил	2020 йил	ўтган йилнинг мос даврига ўсии суръати, % да	Умумий ҳажмга нисбатан улуши % да
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>3315,4</b>	<b>3785,9</b>	<b>101,5</b>	<b>100,0</b>
Нукус ш.	1189,1	1214,7	90,7	32,1
<i>туманлар:</i>				
Амударё	116,5	169,1	129,0	4,5
Беруний	178,9	219,9	109,3	5,8
Бўзатов	42,8	55,4	115,0	1,5
Қонликўл	71,3	82,4	102,8	2,2
Қораўзак	48,7	57,7	105,4	1,5
Кегейли	76,0	101,3	118,4	2,7
Қўнғирот	326,7	370,4	100,7	9,8
Мўйиноқ	123,7	183,6	131,9	4,8
Нукус т.	170,9	192,9	100,3	5,1
Тахиатош	164,0	184,6	100,0	4,9
Тахтакўпир	55,5	85,3	136,5	2,2
Тўрткўл	285,0	344,8	107,5	9,1
Хўжайли	218,6	221,7	90,1	5,9
Чимбой	61,1	80,6	117,3	2,1
Шуманай	44,0	60,7	122,5	1,6
Элликқалъа	142,6	160,8	100,2	4,2

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шахри (Республика ҳажмидаги улуси 32,1 %), Кўнғирот (9,8 %) ва Тўрткўл (9,1 %) туманлари юқори улушларга эга.

### 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳисобот даврида бажарилган қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръати Тахтакўпир (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 136,5 %), Мўйнок (131,9 %) ва Амударё (129,0 %) туманларида кузатилди.

2020 йилнинг январь-декабрида аҳоли жон бошига ҳисобланган қурилиш ишлари ҳажми бўйича юқори қўрсаткичлар Мўйнок тумани (5720,5 минг сўм ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 129,4 %), Нукус тумани (3805,8 минг сўм, ўсиш суръати 98,4 %), Нукус шахри (3774,7 минг сўм, ўсиш суръати 89,5 %) ҳамда Бўзатов тумани (2564,4 минг сўм, ўсиш суръати 114,4 %) қайд этилди.




**Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари  
(2020 йил январь-декабрь ойларида)**

	<i>Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми, минг сўмда</i>	<i>Ўсии суръати, % да</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>1981,0</b>	<b>100,1</b>
Нукус ш.	3774,7	89,5
<i>туманлар:</i>		
Амударё	844,5	127,0
Беруний	1139,7	107,4
Бўзатов	2564,4	114,4
<b>Қонликўл</b>	<b>1606,8</b>	<b>101,4</b>
Қораўзак	1089,7	104,6
Кегейли	1391,5	117,4
Кўнғирот	2831,7	99,4
<b>Мўйноқ</b>	<b>5720,5</b>	<b>129,4</b>
Нукус	3805,8	98,4
<b>Тахиатош</b>	<b>2484,3</b>	<b>98,6</b>
Тахтакўпир	2117,4	135,8
<b>Тўрткўл</b>	<b>1596,1</b>	<b>105,7</b>
Хўжайли	1794,8	88,9
<b>Чимбой</b>	<b>714,0</b>	<b>116,1</b>
Шуманай	1076,2	121,4
<b>Элликқалъа</b>	<b>1001,6</b>	<b>98,4</b>



**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида корхоналар турлари бўйича  
қурилиш ишлари ҳажми,  
(умумий ҳажмга нисбатан % да)**




■ Йирик корхоналар ■ кичик корхоналар ■ норасмий сектор

Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юқори кўрсаткичлари Қўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 35,5 %), Тахиатош (улуси 30,9 %), Кегайли (улуси 15,4 %) ва Элликқалъа (улуси 8,6 %) туманларига тўғри келади.

Хисобот даврида, Нұкус тумани, Бұзатов, Чимбай, Шуманай, Қонликүл, Беруний, ва Тұртқұл туманларда қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд әмас.



### Шаһар өн туманлар кесимида қурилиш ишлари улуси, (умумий ҳажмігі нисбатан % да)



Жами қурилиш ҳажмидан әнг юқори улушни Нұкус шаҳрида 32,1 % ни, Күнғиротда 9,8 % ни ва Тұртқұлда 9,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, Республика миқёсіда қурилиш ишлари ҳажмида әнг паст улушлар Шуманай (1,6 %), Қараңыз (1,5 %), Бұзатов (1,5 %) туманлари ҳиссасига тұғри келади.